



ҲИНДИСТОНЛИК АБДУСАТТОР ЛОҲУРИЙНИНГ “МАЖОЛИСИ ЖАҲОНГИРИЙ” АСАРИ – БОБУРИЙЛАР МАДАНИЯТИГА ОИД МАНБА

БЕКЧАНОВ ИСМОИЛ

Филология фанлари номзоди, ТошДШИ

Аннотация. Абдусаттор бин Қосим Лоҳурийнинг Жаҳонгир подшоҳга бағишлаб ёзилган “Маҷолиси Жаҳонгирий” асари ҳақида қисқа маълумот берилган. Мақола орқали Жаҳонгир томонидан ташкил этилган кўнгилочар йиғинлар тафсилоти ва бу тафсилотлар мазмунида акс этган Жаҳонгиршоҳнинг дунёқараши, шоҳ сифатидаги фаолияти, унинг қизиқишлари ва унинг Моварауннаҳр ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ қизиқарли фикрлар билан танишиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: Воқеот, туркий тил, Жаҳонгирнома, баковулбеги, маҷолис, шайбоний, Мовароуннаҳр, Рум, рубоий, Византия, Мангуберди, байт, Сурия, тасаввуф, тазкиранавис, маҷлис, Хуросон, соҳибқирон, Ҳумоюнӣ, Мутрибий, мақом, шўба.

Аннотация. В данной статье дается краткая информация о произведении Абдусаттара бин Касыма Лахури «Маджалиси Джахангири», посвященном правителю Джахангиру. Книга даст читателю представление о мировоззрении, деятельности, интересах Джахангира и его суждениях о Мавераннахре.

Опорные слова и выражения: Вақеат, турецкий язык, Джахангирнаме, бакавулбеги, маҷолис, шайбани, Моварауннаҳр, Рум, рубаи, Византия, Мангуберди, байт, Сурия, суфизм, тасаввуф, тазкиранавис, маҷлис, Хорасан, полководец, Ҳумаюни, Мутриби, макам, секция.

Abstract. This article provides a summary of the work of Majalisi Jahangiri by Abdusattar bin Kasim Lahuri dedicated to Jahangir. The book is devoted to the characterization of favorable meetings organized by Jahangir will give the reader an opportunity to get an idea of the worldview, activities and interests of Jahangir, as well as his opinions about Maverannahr.

Keywords and expressions: Vokeat, Turkish, Djahangirname, bakavulbegi, majalis, Shaibani, Moveraunnahr, Room, Rubai, Rum, Manguberdi, bytes, Syria, sufizm, tasawwuf, tazkiranavis, majlis, Khurasan, commander, Humayun, Mutriba, maqam, section.

Бобурийлар даврида форс тилида кўплаб бадий ва илмий асарлар яратилди. Биламизки, уларнинг аксарият қисми чоп этилиб, илмий жихатдан ўрганилган.

Абдусаттор бин Қосим Лоҳурийнинг Жаҳонгир подшоҳга бағишлаб ёзилган ва унинг маданият, жумладан, адабиёт ва мусиқа, тасвирий санъат ҳамда диний-сиёсий соҳаларга нисбатан қарашлари акс эттирилган.

“Маҷолиси Жаҳонгирий” деб номланган бу нодир асар Абдусаттор бин Қосим Лоҳурий томонидан 1612 йили Агра шаҳрида ёзилган. Асарнинг ягона кўлёзма нусхаси 2002 йил январида Лоҳур шаҳрида яшовчи Халил ур Раҳмон исмли зиёлининг шахсий кутубхонасидан топишган.

Кўлёзма лоҳурлик Ориф Навшоҳий, Мўйин Низомий каби олимлар томонидан Техрондаги “Мероси мактуб” нашриётида кириш сўзи ва зарур изоҳлар билан икки минг нусхада чоп этилган.

Бу манбада асосан 1608 йил 24 октябрь – 1611 йил 15 ноябрь оралиғида Жаҳонгир томонидан ташкил этилган кўнгилочар йиғинлар тафсилоти ҳикоя қилинади. Бу ўтиришларда, Ҳиндистонда яшаб ижод қилган юзлаб форсигўй шоирлар ва мусиқа, тасвирий санъат намояндалари ҳаёти ва ижоди тилга олинган.

Ундан ташқари, ўша даврда Эрон мамлакатада яшаётган шоирлар ва бошқа санъат соҳалари вакиллари номи алоҳида ёдга олинади. Ҳиндистон ва Эрон сиёсий ҳамда

маданий алоқалари, жумладан, икки мамлакат ҳукмдорлари ўртасида кечган дипломатик муносабатлар акс этган.

Айникса, ушбу асарда Ўрта Осиё билан боғлиқ воқеалар – сиёсий-ижтимоий ва маданий, жумладан, адабий ҳаёт; Ҳиндистон ва Ўрта Осиё сиёсий ва маданий алоқалари; Ўрта Осиё тарихида кечган воқеалар каби нодир маълумотлар ҳам ўрин олган.

Бу маълумотларнинг барчаси китобнинг “Мажлис” деб номланган боблари ичида келди. “Мажлис”лар бир юз йигирма икки бобдан иборат. Китобда асар матни “Бисмиллоҳ...” сарлавҳали кириш сўзи билан бошланади.

“Мажлис”ларнинг биринчиси Жаҳонгирнинг тахтга чиққан йилидан тўрт йил ўтган сана, яъни ҳижрий камарий 1017 йил 24 ражаб, панжшанба окшоми кечаси рўй берган йиғин воқелари билан бошланади.

“Мажолиси Жаҳонгирий”да Жаҳонгирнинг ота ватани Мовароуннаҳрни ўзи туғилиб ўсган Ҳиндистон билан бир хил севгани, ота юрти тарихига қизиққани, ўз ота-боболари тили саналмиш туркий тилни яхши билгани каби маълумотлари жуда муҳимдир. Туркий тил масаласида дастлаб Жаҳонгир бин Акбарнинг ўзига мурожаат қиламиз. У ўзининг “Жаҳонгирнома” асарида Кобулга зиёрат учун боргани хотираларини баён этиш асносида қуйидагиларни ёзади: *“Кобул таърифи борасида ҳазрат фирдавсмакон Бобур подшоҳнинг “Воқеот” китоби кўздан кечирилди. Бу қўлёзма нусха бутунлигича аларнинг муборак хати билан битилган эди. Фақат унинг Кобул таърифидаги тўрт жузвини қўшимча равишда ўз хатим билан битиб, мазкур жузвлар охирига ҳам бу тўрт жузвнинг менинг хатим билан ёзилганини кўрсатиб туриши учун туркийча тилда иборалар ёзиб қўйдим. [Чунки] Ҳиндистонда туғилиб-улғайганимга қарамасдан, туркийча сўзлашиши ва ёзишдан қуруқ қолган эмасман”*.

Яна “Жаҳонгирнома”да ёзилишича, Тоторхон лақабли Татарбек бин Али Муҳаммад Акбар подшоҳнинг салтанати охирларида

(1605 й.) Султон Хуррам (Шоҳжаҳон бин Жаҳонгир)га туркий тил ўргатувчи муаллим қилиб тайинланган. Жаҳонгир даврида ҳам у саройда турк тилидан муаллимлик қилиш баробарида “баковулбеги” каби бошқа катта мансаб ва мукофотлар билан сийланган.

“Мажолиси Жаҳонгирий”нинг кўплаб ўринларида ҳам Жаҳонгирнинг саройдаги асли балхлик ва мовароуннаҳрлик амалдорлар, Самарқанд, Бухородан келган ўзбек давлати элчилари ва сайёҳлар билан фақат туркий тилда гаплашгани алоҳида қайд этилган.

1611 йил 14 март кунги (етмиш тўртинчи) йиғинда Ҳиндистонга янги келган ва кейинчалик Жаҳонгир подшоҳ давлатининг амирлик мансабига эришган асли мовароуннаҳрлик *Абдураззоқ Берди Ўзбек* туркий тилда шайбоний Абдуллоҳон Иккинчи ҳақидаги бир қизиқ воқеани сўзлаб бераркан, ҳикоядан завқланган Жаҳонгир ёнидаги туркий тилни тушунмайдиган кишиларга меҳмоннинг бу мароқли гапларини форсчага таржима қилиб беради.

Маълумки, Мовароуннаҳрда кечган сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаёт Ҳинд ҳукмдори Жаҳонгир подшоҳни ҳамиша қизиқтириб турган. Аммо, шу билан бир қаторда, Жаҳонгир подшоҳ Турон ўлкасининг ўтмишига нисбатан ҳам бефарқ бўлмаган. Мисол тариқасида айтсак, “Мажолиси Жаҳонгирий”да ёзилишича, унинг бу каби хислати мазкур Абдураззоқ (Раззоқ Берди) сингари туронликларни ҳайратга солган. 1611 йил 17 мартада ташкил қилинган навбатдаги (етмиш бешинчи) ўтириш мазкур Мир Абдураззоқнинг Агра шаҳри четидаги янги иморат ва боғида ўтказилиб, амир Абдураззоқ Жаҳонгир подшоҳ ташрифидан боши осмонга етганини ўта қувонч билан изҳор қиларкан *“Подшоҳ иноят қилган бу иморат ва бу янглиг ташириф илтифоти қиёматгача ўзим ва фарзандларим учун муборак бўлсин”*, – дея дуо қилади. Шунда подшоҳ *“Бар дўст муборакему бар душман шум* (Дўстга муборақмизу душманга шум)”, – дейди ва ёнидагиларга бу мисра келган рубойининг қолган

мисраларини ҳам айтишни буюради. Хожайи Ҳожи Муҳаммад исмли амалдор бу мисра олдига “*Дар разм чу оҳанему дар базм чу мум* (Урушда темирмиз гўё, базмда мисли мум)” сўзларини қўшади-ю, аммо қолган байтини айта олмайди. Сўнг Жаҳонгирнинг ўзи рубойини тўлалигича эслаб, уни қуйидаги байт билан тугал қилиб ўқийди:

*Аз ҳазрати мо баранд инсоф ба Шом,
Ва зи ҳайбати мо баранд зуннор ба Рум.*

Мазмуни:

Адлу инсофимиз хабарини элтарлар Шомга,
Ҳайбатимиздан зуннор элтишар Румга.

“Рум” (Иккинчи Рум) – эрамизнинг тўртинчи асридан масиҳийликни қабул қилган Рим императорлари тасарруфидаги Византия мамлакати. У XV асрда усмонли турклар қўлига ўтган даврга қадар христианлар ўлкаси, мағрибдаги унга чегарадош Шом (Сурия) мамлакатигача ерлар мусулмонлар давлати бўлган. (Бу ерда ана шу чегараланиш кўзда тутилган – И. Б.)

Шундан сўнг бу ўтиришда мазкур рубойининг ўтмиш султонларидан бирининг қайсидир подшоҳга ёзиб юборган асари экани айтилиб, кетидан Чингизхоннинг Султон Жалолиддин Мангубердини қувлаб, Синд дарёсигача боргани ҳикояси тилга олинади.

Шунда амир Абдураззоқ (Раззоқ Берди) подшоҳнинг туркий халқлар тарихига бунчалик қизиқишидан ҳайратга тушиб, “*Ҳиндистон подшоҳини Турон тарихига бу даража қизиқади деб ўйламаган эдим. Демак, гарчи зоҳирда Ҳиндистон малики бўлсалар-да, аммо ботинда ва улуғворлик ва мерос эгалиги бобида бутун олам подшоҳи эканлар*”, дейди.

Айтиш лозимки, бу ердаги маълумот бизни яна бир масала устида бош қотиришга ундайди.

Тазкиранавис Ризоқулихон Ҳидоят (в. 1871 й.) “Мажма ул-фусаҳ”да айтишича, мазкур рубой муаллифи Султон Жалолиддин Мангуберди (в. 1230) ҳисобланади. Аммо унинг биринчи байти айнан юқоридагича, иккинчи байтининг эса сал фарқли равиш-

даги таҳрири Абдухолик Гиждувоний (в. 1179) рубойлари ичида учраса, “Шайх ул-олам” лақаби билан танилган Сайфиддин Бохарзий (в. 1261) манокибида бу рубой ҳеч ўзгаришсиз юқоридаги шаклда Шайх ул-олам ижодига нисбат берилган.

Албатта, айна рубойининг кимга алоқадорлиги фактини аниқлаштириш матншунослик соҳасининг иши саналиб, бунда биринчи навбатда, мазкур иккала тасаввуф намояндасига бағишланган ва баҳс юритаётганимиз рубойи ҳавола этилган асарлар қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш лозим бўлади.

Аммо, шунга қарамай, мантиқий хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Мажолиси Жаҳонгирӣ”да бу рубой келтирилгач, унинг ижодкори “қайсидир султон” эканига урғу берилиб, кетидан Абдураззоқ Берди қурган иморат ёки Жаҳонгир ташрифи воқеаси билан боғланмаган ҳолда Султон Жалолиддин Мангуберди ҳикоясининг келтирилиши, афтидан, бу султон номи мазкур рубойга муаллифлик муносабати билан тилга олинган.

Йигирма саккизинчи мажлис қатнашчиси Хони Аъзам: Чигатой мирзоларидан бирининг (“Мажолис ун-нафоис”даги Мирзобек кўзда тутилмоқда – И. Б.) “*чашият че бало сиёҳ шуда барои жони ман*” мазмунидаги туркий байти (Кўзунг не бало қаро бўлубтур, Ким жонга қаро бало бўлубтур – И. Б.) бор бўлиб, Алишер Навоий туркий шеърятда шунча қудратга эгалигига қарамасдан “*бунга жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдин (қийин ишлардан)дур*” дея юксак баҳо берган, – дейди. Шундан сўнг мазкур байт устида баҳс-мунозара бошланиб, Жаҳонгир ҳам ўз фикрларини билдиради.

Бир юз йигирма иккинчи мажлисда (1611 йил 15 ноябрь) Жаҳонгир подшоҳ ўтирганларга қуйидаги ҳикояни айтиб беради: “*Бир куни ҳазрат ариш остонийга (Акбар подшоҳ – И. Б.) марҳум шоҳзода (Шоҳзода Парвез бин Жаҳонгир – И. Б.) оиласида ўғил фарзанд тугилгани хабари келади. Шунда болага исм қўйиши ўйига тушадилар. Чақалоқ толесини*



кўрган мунажжимлар жадвалда бу вақтнинг бош ҳарфи “то” устига тўғри келгани учун боланинг исми “Темур” бўлишини маслаҳат берадилар. Бу гап қулогимга етишгач, менга оғир ботди. Чунки бундай улугвор исм менга ҳам, фарзандларимга ҳам қўйилмагани ҳолда масъулияти жуда юксак бу номни ўғлимнинг ўғлига қўйиш эса ўта ўринсиз эди. Хуллас, саройга бориб, бу фикримни отамга айтдим”.

Жаҳонгирнинг бу ҳикоясидан кейин йиғин қатнашчиси Маҳобатхон “инсоф билан айтганда бундай исм Сизга муносиб бўларди” дейди. Жаҳонгир Маҳобатхоннинг бу гапни нотўғри деб билади ва “Мен ҳали у ёқда турай, адолат ва инсоф билан айтганда, бу ном Бобур Мирзога ҳам, Ҳумоюн подшоҳ ва Акбар подшоҳга ҳам етмайди. Бу исм шу пайтгача ҳеч ким қўлга кирита олмаган миқдорда юрт олса, ўшанга муносибдир. Ўзгага эса ҳаром” дейди.

Бу гапдан шу йиғинда қатнашаётган ва ҳамма қатори ҳайратга тушган Диёнатхон Мовароуннаҳр ҳукмдори Абдуллоҳхон Иккинчининг ҳар гал Хуросон юришидан қайтиб, Самарқандга зиёрат учун борганида унинг учун ҳазрат соҳибқирон тахтгоҳи пойида жой ҳозирлашлари, аммо бир гал Хуросондаги катта ғалабадан кейин давлат катталари ва қозилар бу қонидани бузиб, ўтириш палосини соҳибқироннинг муборак тахтгоҳи устига тўшаганлари, буни кўрган Абдуллоҳхон Иккинчи эса ўз қўли билан уни тахт устидан тортиб олиб “соҳибқирон янглиз жаҳонгирнинг тахтига ўтиришига муносиб эмасмен” дегани ҳикоясини бошлайди.

Ҳикоя давомида айтилишича, ўшанда ўзбек улуғлари “нега энди, Мовароуннаҳр Сизники, мана Хуросонни ҳам тўлалигича эгалладингиз, Сиз соҳибқирон тахтида ўтиришига лойиқсиз” дейишган. Хон эса яна ўша гапини такрор айтган. Аммо хушомадгўй олим ва амалдорларнинг анча далил келтириш каби илтимосларидан кейин тахтга жуда яқин ерда кигизини тўшатиб, аммо Амир Темур тахти устига чиқиб эмас, балки тахтга суянибгина ўтирган экан, холос.

Хоннинг бундай хислати Жаҳонгирга жуда маъқул келиб “улугларни қадрлаш фақат улуг кишиларга хосдир, бундай кишилар ўз ўрнини жуда яхши билишади” дейди ва “мен Самарқандда яшаётган бўлсам эди, ҳар кун ўша ерга бориб, соҳибқирон тахти пойини ўпган бўлардим. Худои таоло Амир Темурга шундай мақомни ато этган экан, Бобур Мирзодан тортиб, ҳеч бир бобурийнинг бул тахт устига чиқиб ўтиришига ҳаққи йўқдир. Агар Абдуллоҳхон шайбоний ана шу ҳурмат қондасига риоя қилган экан, демак, бу билан у ўзининг улугворлик ва инсофлилик хислатини кўрсатган” қабилидаги сўзларни қўшиб қўяди.

1626 йил ноябрь ойида Лоҳурдаги Жаҳонгир ҳузурига бориб, ўша ерда тўрт ой туриб қайтган Мутрибий Самарқандий ҳам 1627 йил март ойигача Жаҳонгир подшоҳ уюштирган йиғинлар иштирокчиси бўлади ва ўттиздан ортиқ бундай мулоқотини ўзининг “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасига илова қилган Хотима қисмида баён қилади. “Мажолиси Жаҳонгирий”ни нашрга тайёрлаган олимлар Мутрибийнинг бу асарини Абдусаттор бин Қосим Лоҳурийнинг мазкур китоби давоми сифатида баҳолаганлар.

“Мажолиси Жаҳонгирий”да Мутрибий ҳикояларининг айрим маълумотларига ойдинлик киритувчи хабарлар мавжуд. Масалан, Мутрибий Жаҳонгир подшоҳ билан мулоқотларидан бирида подшоҳнинг Абдуллоҳхон ва унинг ўғли Абдулмўъминхон суратини кўрсатиб, расмнинг ўзбек хонларига ўхшатиб чизилган ё йўқлигини сўрайди ва Мутрибий тушунтириши асосида рассомга уларни тўғрилаб қўйишни буюради.

Мутрибий ўз ҳикоясида рассомнинг кимлигини айтмаган. “Мажолиси Жаҳонгирий” муаллифи йигирма биринчи (1610 йил 29 июнь) мажлисда ёзишича, бу расмлар ижодкори Усто Фаррух бўлиб, у Жаҳонгир топшириғи билан яратаётган суратлар тўпламининг бир саҳифасида Турон ҳукмдорлари Абдуллоҳхон II, Абдулмўъминхон ва Мирзо Муҳаммад Ҳаким ибн Ҳумоюн

подшоҳ ҳамда Шоҳ Аббос Сафавийни бир-галикда чизган экан.

“Мажолиси Жаҳонгирий”ни нашрга таъйёрлаган олимлар айтишича, асар муаллифи Абдусаттор бин Қосим Лохурий ҳақида Жаҳонгир подшоҳ ўзининг “Жаҳонгирнома” китобида маълумот берган бўлиб, унинг мазмунини қуйидагича: Абдусаттор бин Қосим Лохурий 1619 йил Наврўзида Жаҳонгир подшоҳга бобоси Ҳумоюн Мирзо қаламига мансуб асар қўлёзмасини совға сифатида тақдим қилади. Шариат ва илми нужум, мусиқа каби соҳаларни ўз ичига олган бу китоб Ҳумоюннинг ўз қўли билан кўчириб ёзилган экан. Жаҳонгир бобоси ёзувини кўзига суртиб зиёрат қилади ва қаттиқ завқланиб “*ҳеч бир совға бу тенгсиз тухфа каби мен учун қимматли бўла олмайди*” дейди.

Мутрибий “Нусхайи зебони Жаҳонгир”да Абдуллоҳхон Иккинчининг Бухородаги кутубхонасида Ҳумоюн подшоҳнинг ўз қўли билан кўчириб ёзган “Ҳумоюннома” номли китобини кўргани борасида ёзади. Мутрибий бу китоб тавсифи ҳақида берган хабар айнан “Жаҳонгирнома” муаллифи тилга олган таъриф билан ҳамоҳангдир:

“Эрон подшоҳларидан бири бу олампа-ноҳ [Акбар] подшоҳнинг бузруквор отаси [Ҳумоюн] ёзган “Нусхайи Ҳумоюнӣ” асарини сўраттирган экан. Мазкур асар нозик маънолар, ноёб иборалар билан битилган бўлиб, бир неча рисола-ни ўз ичига олади: Биринчиси, ислом ақидалари, иймон шартла-ри ҳамда дин аҳкоми ва рукнлари, мўъмин ва яхши мўъминни танимоқ баёнида; Иккин-чи рисола илми нужум, юлдузлар ва осмон жисмлари ҳаракати, ой ва кўёш ўрни, бурж-лар ҳаракат йўналишини белгилаш, тўрт фасл таъсири, ер куррасини табақалари би-лан англаш, етти иқлим кенглиги ва унинг хусусиятлари, расад боғламоқ йўли ва шу илмга тааллуқли нарсалар баёнида; Учинчи рисола мусиқа илми ва бу соҳанинг келиб чиқиши, 12 мақом ва 24 шўъба ва 6 овоз ва усулнинг 17 ўлчовини билмоқ ҳамда бу илм-

га доир нарсалар тўғрисида; Тўртинчи рисо-ла шеър, аруз фани, қофия, матбуъ ва маснуъ шеърларни билмоқ, бу фаннинг ўлчов-вазнлари қоида-си ва қийинчиликлари ҳамда шеър илмига оид бошқа тушунчалар ҳақида.

Ва бу фақир дағи Абдуллоҳхоннинг ки-тобхонасида мазкур табаррук китобнинг муаллиф [Ҳумоюн подшоҳ] ўз муборақ хати билан ёзган нусхасини кўрган ва мутуала қилмоқ шарафига муяссар бўлган эдим. Ғоятда беназир ва ажойиб дилпазир бир китоб бўлиб, кўрган одамнинг ақли шошар, ўқиган кишининг хайрати ошарди.

Хуллас, подшоҳ ғозий Акбаршоҳ Эрон под-шо-си илтимосини қабул қилиб, китобни ҳусни-хат бобида тенгсиз бир хаттотга кўчиртириб, китоб ёнига етти юз йигирма бир ашрафий тиллосини ҳам қўшиб юборибдилар...”

Демак, Ҳумоюн подшоҳ ҳозирча чет эл ва ўзбек олимларига номаълум бу асардан бир нечта нусха кўчириб, уларни Мовароуннахр-га ҳам юборган экан.

“Мажолиси Жаҳонгирий”да ёзилишича, Жаҳонгир ўтиришларида бу подшоҳ қизиққан мавзулар ичида Ўрта Осиёнинг ўтмиш тарихи билан боғлиқ ҳолда Шайх Нажмиддин Кубро ҳамда унинг шогирди Шайх Мажиддин Бағ-додий билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ можароси, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Улуғбек шогирди Али Қушчи билан анча чи-гал кечган муносабати, шайбоний Абдуллоҳ-хон Иккинчи билан отаси Искандархон ўрта-сида рўй берган фарзанд тарбиясига оид воқеалар ҳам қизгин баҳс-мунозара тарзида тилган олинган ҳамда Жаҳонгир ҳузурида Мовароуннахрнинг ўша кунги вазияти ҳақида сўз юритилган. Жумладан, Бухоро шаҳри таъ-рифи орасида бу шаҳарда антиқа гуллар бор-лиги, шу билан бирга қайсидир ҳовуз (афти-дан Лаби ҳовуз – И. Б.) суви ўзининг ришта касалини келтириб чиқариши билан “довруғ” таратгани, Ҳинддан Ўрта Осиё хонлари ҳузу-рига юборилган элчилар фаолияти ҳақидаги ҳикоялар ҳам бобурий ҳукмдор кизиқиш доирасидан четда қолмаган.